



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 25 октябрь, № 208 (4618)

Шанба

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ПИРИМКҮЛ ҚОДИРОВГА

Мухтарам Пиримқул Қодирович!
Авваламбор, Сизни ҳаётигиздаги кутлуг сана —
муборак 80 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий
табриклайман.

Сизнинг бугунги таваллуд айёмингиз барча китоб-
хонлар, бутун адабиёт аҳлининг катта байрамидир. Эл-
юртимиз Сизни атоқли адиб, етук адабиётшунос олим
ва таниқли жамоат арбоби сифатида яхши билади ва
қадрлайди. Сизнинг қаламингизга мансуб бадиий бар-
камол ва чуқур ҳаётийлик руҳи билан сугорилган қатор
қисса ва романлар халқимизнинг маънавий юксали-
шида муҳим ўрин тутиб, катта тарбиявий аҳамият касб
этиб келмоқда. Юксак инсоний фазилатларни таран-
нум этувчи бу асарлар жаҳоннинг кўплаб тилларига
таржима қилинган билан ҳам эътиборлидир.

Айниқса, собиқ шўро мафқураси таъйиқлари ва қар-
шilikларига қарамай, Сиз халқимиз тарихининг ёрқин
саҳифаларидан бўлмиш буюк темирлар даврини, дил-
бар шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад
Бобур ва унинг авлодларининг мураккаб, машаққатли
хаёт йўлини ҳаққоний акс эттирган «Юлдузли тунлар»,
«Авлодлар довони» сингари гўзал асарлар яратдин-
гиз ва улар адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин
олиб, халқимизнинг маънавий мулкига айланди.

Истиклол руҳи Сизнинг ижодингизга янги куч-қувват
ва илҳом бергани сўнгги йилларда ёзилган асарларин-
гизда яққол намоён бўлиб турибди. Хусусан, шу улғу
ва табаррук ёшда ҳам ҳормай-толмай ижод қилиб, «Тил
ва эл», «Амир Темур сиймоси» сингари пухта изланиш
ва тадқиқотларга бой китоблар яратганингиз ёш адиб-
лар учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Таваллуд кунингиз муносабати билан яна бир бор
муборакбод этар эканман, Сизга мустақкам соғлиқ,
ижод ва илҳом завқи, хонадонингизга файзу барака
доимо ёр бўлишини тилайман.

Эҳтиром билан

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ

Комил инсонни тарбиялаш, одамларни
эзгуликка даъват этиш ва маънавиятини
юксалтиришда адабиётнинг ўрни беқийёсдир.
Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов
раҳнамолигида мамлакатимизда маънавий-
маърифий соҳаларда амалга оширилаётган
ислохотлар жараёнида миллий адабиётимиз
тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ёзувчи
ва шоирларни эъзозлашга, навқирон
авлодни уларнинг асарларида илгари
сурилган эзгу гоялар асосида тарбиялашга
алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ўзбек адабиётини миллий
ва умуминсоний қадриятлар
ривожига, халқимиз маъна-
виятини юксалтиришга муно-
сиб ҳисса қўшган ижодкор-
лар кўп. Шу кунларда тавал-
луднинг 80 йиллиги нишон-
ланаётган Ўзбекистон халқ
ёзувчиси Пиримқул Қодиров

Қодировга табригини Пре-
зидентнинг Давлат масла-
ҳатчиси Х.Султонов ўқиб
эшиттирди.
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири, Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси раиси
А.Орипов, адабиётшунос
У.Норматов, Халқаро Бобур

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров — 80 ёшда

ана шундай сўз санъаткор-
ларидан. Адиб ўзининг ро-
манлари, қиссалари, ҳикоя-
лари ва публицистик мақо-
лалари билан ўқувчилар қал-
бидан жой олган.

Адиб юбилейи муносаба-
ти билан таваллуд маънаса-
лари, маданият масканлари-
да П.Қодиров ҳаёти ва ижо-
дига бағишланган адабий-
бадиий тадбирлар ташкил
этилди.

Ўзбекистон давлат консер-
ваториясида 24 октябрь кuni
адиб таваллудига бағишлан-
ган адабий-бадиий кеча
бўлиб ўтди. Бу ерга ёзувчи
ва шоирлар, санъат ва мада-
ният арбоблари, олимлар, та-
лаба-ўшлар, жамоатчилик ва-
киллари йиғилди.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислом
Каримовнинг Ўзбекистон
халқ ёзувчиси Пиримқул

жамғармаси раиси З.Маш-
рабов, Ўзбекистон Фанлар
академиясининг Тил ва ада-
биёт институти директори
Т.Мирзаев, филология фан-
лари номзоди Ю.Каримова,
Ўзбекистон халқ артисти
М. Абдуқудусов Президент-
тиниз Ислом Каримов раҳ-
намолигида мамлакатимиз-
да барча соҳалар қатори
миллий адабиётимизни ри-
вожлантириш йўлида фидо-
ийлик кўрсатаётган ёзувчи ва
шоирлар ижодини қадрлаш-
га, уларнинг асарларини кенг
тарғиб қилишга алоҳида
эътибор қаратилаётганини
таъкидлади. Адиб асарла-
рининг адабиётимиз ривож-
ида тугатган ўрни ва ёзувчи-
нинг жамоатчилик фаолияти
хақида тўхталди.

(Давоми 2-бетда).

25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кuni

ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Ички ишлар вазирлигида
25 октябрь — Ўзбекистон
Республикаси ички
ишлар идоралари
ходимлари кuni
муносабати билан
байрам тадбири
бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирлиги, генерал-
лейтенант Б. Матлюбов
юртимизда Президентимиз
Ислом Каримов раҳнамоли-
гида жамиятда барқарорлик-
ни, фуқаролар тинчлиги ва
осойишталигини мустақкам-
лаш масаласига алоҳида
эътибор қаратилаётганини
таъкидлади. Қонунийлик ва
ҳуқуқ-тартиботни мустақкам-
лашнинг муҳим бўлини
бўлган ички ишлар идорала-
ри тизимини ислоҳ қилиш
бўйича изчил ишлар амалга
оширилаётгани ўз самарала-
рини бермоқда.

Ички ишлар идоралари-
нинг барча тузилмалари сиф-
фат жиҳатдан бутунлай ян-
гича асосда шакллантирил-
ди. Хусусан, ҳуқуқ-тартибот-
ни сақлаш ва жиноятчиликка
қарши курашнинг замонавий
усул ва воситаларидан фой-
даланган ҳолда, жамоат хавф-
сизлигини таъминлашнинг
самарали тизимини қарор
топтириш бўйича устувор
йўналишлар белгилаб олин-
ди. Уюшган жиноятчилик, тер-
роризм ва наркотрафикка
қарши кураш кучайтирилди.
Тезкор-қидирув хизматлари
ва тергов бўлиmlарини муста-
қкамлади. Йул ҳаракати
хавфсизлигини, пост-пат-
руль, профилактика хизмат-
лари, шунингдек, ёнгин



Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

хавфсизлиги тизими замон
талабидан келиб чиқиб та-
комиллаштирилди.

Айни пайтда милиция хо-
димларининг аҳоли ҳамда
фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш идоралари билан
хамкорлиги янада мустақ-

камланди, содир этилаётган
жиноятларга қарши тезкор
кураш олиб бориш имкони-
ятлари ортиб бермоқда.
Бунда соҳанинг моддий-тех-
ник базаси мустақкамлана-
ётгани ва юксак малакали,
профессионал кадрларни

тайёрлаш ва ишга жалб
этишнинг ўзига хос тизими
жорий этилгани муҳим ўрин
тутаётди.

Бу борадаги ишлар сама-
радорлиги ошаётгани, муҳи-
ми, ички ишлар идоралари хо-
димларининг элу юртимиз-

нинг осойишталигини таъ-
минлашда ишончли посбон-
га айланаётгани давлатимиз
раҳбарининг роҳига бўлган
алоҳида эътибори тўғрисида
Кунги кеча Президентимиз-
нинг «Ўзбекистон Респу-
бликаси ички ишлар идо-

ралари ходимлари кuni му-
носабати билан бир гуруҳ хо-
димларни муқофотлаш тўғри-
сида»ги фармони эълон
қилинган бунинг яна бир
тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ ДУРДОНА

Пойтахтимизда 23 октябрь кuni бошланган «Ипак йўли мамлакатларида маданият
йўналишидаги сайёҳликни ривожлантириш ва оммалаштириш йўлида» мавзусидаги халқаро
конференция иштирокчилари қадим шаҳарларимиз — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентнинг
тарихий обидалари, осори-атиқлари, бугунги бунёдкорлик ишлари билан танишмоқда. ЎзА
мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Мусо Жаъфар бин ҲАСАН,
Омоннинг ЮНЕСКО хузуридаги
доимий вакили:

— Мазкур халқаро анжуман нафақат
Ўзбекистон, балки бутун дунё мамлакат-
лари сайёҳлик соҳаси учун катта аҳами-
ятга эга. Чунки бу соҳа мамлакатни бар-
қарор ривожлантиришга хизмат қилувчи
муҳим омиллардандир. Ўзбекистон бун-
дай нуфузли тадбирга мезбонлик қила-
ётгани мамлакатимизда сайёҳлик соҳа-
сини ривожлантиришга қаратилаётган ул-
кан эътибордан далolatдир.

Ўзбекистоннинг тарихий бой, бугунги
ёрқин, келажаги буюқдир. Ушбу муқад-
дас заминда камолга етган, оламшумул
қашфийтлари билан жаҳонга танилган
буюк мазофаккирлар ўзининг бой маъ-
навий ва маданий мероси билан дунё
цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса
қўшган. Уларнинг эзгу ишларини бугун-
ги авлод муносиб давом эттирмоқда.

Ҳар гал юртингизга келганимда бе-
такдор тарихий обидалар ва муқаддас
қадимжоларни зиёрат қилиб, руҳим кўта-
рилади. Дунёга машҳур қадимий ва хами-
ша навқирон Самарқанд, Бухоро, Тош-
кент азалдан Шарқнинг энг ёрқин илму
маърифат марказлари бўлган. Бундай та-
роватли шаҳарлар кам. Бу шаҳарлар
инсоният бунёдкорлиги, юксак ақлу за-
ковати, тафаккури тимолидир.

Тадқиқчи ЯМАМОТО, Япония-
нинг ЮНЕСКО хузуридаги до-
имий вакили:

— Буюк Ипак йўли қадимда Шарқ ва

Ғарбчи бөлгөвчи мустақкам робита бўлган.
Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси жадал ри-
вожланаётганини алоҳида таъкидламоқчи-
ман. Бу дунё ҳамжамияти томонидан эъти-
роф этилган ҳақиқатдир. Юртингиз беҳад
гўзал, тарихий обидаларга бой. Шу боис
турли давлатларда бу ерга келиш истаги-
да бўлган сайёҳлар тобора кўтаймоқда.

Анжуман юксак савияда ташкил этил-
гани билан диққатга сазовордир. Конфе-

Эътироф

ренция Буюк Ипак йўли мамлакатларида
маданият йўналишидаги сайёҳликни та-
раққий эттиришга хизмат қилади. Ўзбе-
кистоннинг бу борада хорижий давлат-
лар ва халқаро ташкилотлар билан фаол
хамкорлиги таҳсинга лойиқ. Мамлакатин-
гиз билан ўзаро ҳамкорликни янада ри-
вожлантиришдан манфаатдоримиз.

Буюк Ипак йўлида жойлашган мамла-
катлар тарихи, жумладан, Ўзбекистоннинг
Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўплаб
қадимий шаҳарлари тўғрисида ўқиган
эдим. Конференция доирасида бу ша-
ҳарларни, оламга машҳур ноёб маданий
ёдгорликларни ўз кўзим билан кўриш им-
конига эга бўлаётганимдан бахтиёрман.

Александр САВОВ, Болгария
Республикасининг ЮНЕСКО ишла-
ри бўйича миллий комиссияси
раиси:

— Ўзбекистонга ўттиз йил аввал —
талабалик кезларимда келган эдим. Бу
гал мамлакатингизни ўзим учун янгидан
кашф қилдим. Ўтган вақт оралиғида юр-

тингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб
кетибди. Ҳар қандай кишини лол қилди-
радиган гоят улкан бунёдкорлик ва обо-
донлаштириш ишлари амалга оширил-
ганининг гувоҳи бўлидим.

Ўзбекистон — бой маданий меросга
эга мамлакат. Юртингизга келган ҳар
бир сайёҳ бетакдор тарихий обидалар
ва маданий ёдгорликлар, ўзбек халқи-
нинг урф-одатлари, аёнана ва қадрият-
ларидан, меҳмондўстлигидан хайратлан-
ишига шубҳа йўқ.

Ушбу конференция турли мамлакат-
лардан келган мутахассис ва эксперт-
лар билан ўзаро фикр ва таъриба алма-
шиш, фойдали мулоқотлар ўтказиш
имконини бераётганидан мамнунимиз.

Янош ВАНИК, Венгриянинг
Ўзбекистондаги маданият-савдо
ваколатхонаси раҳбари:

— Маданият йўналишидаги сайёҳлик
нафақат мамлакатни иқтисодий ривож-
лантириш, балки турли халқлар ўртасида
ўзаро дўстлик ришталарини мустақкам-
лаш, бир-бирининг миллий қадриятлари,
аёнана ва урф-одатлари ҳақида кўпроқ
маълумотга эга бўлишга хизмат қилади.

Ўзбекистон — Буюк Ипак йўлидаги
дурдона. Юртингизда сайёҳларни жалб
этувчи барча омиллар — энг ноёб тари-
хий ёдгорликлар, муқаддас зиёратгоҳ-
лар, хушманзара табиат ва файзли
гўшалар, ажойиб қадриятлар бисёр. Шу
боис Ўзбекистоннинг жаҳон сайёҳлик бо-
зоридagi нуфузи тобора юксалмоқда.

ЎзА мухбирлари
Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
ёзиб олди.

Япониянинг Нагоя шаҳри университетига
«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси —
ҳуқуқий ислохотлар асоси» мавзусидаги
Ўзбекистон-Япония давра суҳбати бўлиб ўтди.
Тадбир Нагоя университети томонидан
Тошкент давлат юридик институти, Ўзбекистон
Республикасининг Япониядаги элчихонаси
ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

ЯПОНИЯДА ДАВРА СУҲБАТИ

Анжуманда Нагоя ва Мие
университетлари ҳуқуқшуно-
слари, Осие ҳуқуқий алмиш-
нув маркази раҳбарияти ва
Нагояда таҳсил олаётган
Ўзбекистонлик талабалар иш-
тирок этди.

Учрашувнинг очилиш ма-
росимида Нагоя универси-
тети вице-пре-
зиденти, про-
фессор Харуо

Дунё нигоҳи

Сабури, Нагоя университети
ҳуқуқ факультети декани,
профессор Казутака Сугиу-
ра ҳамда Ўзбекистоннинг
Япониядаги элчиси М. Очи-
лов сўзга чиқди.

Давра суҳбатига Ўзбеки-
стон Республикаси Адлия ва-
зирлигининг «Ўзбекистон Рес-
публикасида суд-ҳуқуқ исло-
хотлари» ва Тошкент давлат
юридик институтининг «Инсон
ҳуқуқлари умумжаҳон декла-
рацияси моддаларининг
Ўзбекистон Республикаси
қончилигида татбиқ этили-
ши» мавзусидаги маърузалар
ўқиб эшиттирилди.

Иштирокчилар Ўзбекистон
Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг «Инсон
ҳуқуқлари умумжаҳон декла-
рацияси қабул қилинганлиги-
нинг 60 йиллигига бағишлан-

ган Тадбирлар дастури тўғри-
сида»ги Фармони, мамлака-
тимизда ўлим жаосининг
бёкор қилиниши, қамоққа
олишга санкция бериш
ҳуқуқининг суд идораларига
берилиши, адвокатлик инсти-
тутининг ислоҳ қилиниши, Суд
қончилигини демократлаш-
тириш ва либе-
раллаштиришни
тадқиқ этиш

марказининг тузилиши мисо-
лида Ўзбекистондаги суд-
ҳуқуқ ислохотларининг замо-
навий босқичи масалалари
юзасидан фикр алмашди.

Япониялик мутахассислар
Ўзбекистонда мустақиллик
йилларида қонунчилик ва
ҳуқуқ, жамиятни демократ-
лаштириш, инсон манфаат-
лари, унинг ҳуқуқ ва эркин-
ликларини ҳимоя қилиш бо-
расида эришилган муваффа-
қиятлар ўзбек халқининг
ўзига хос дунёқарашини ино-
батга олган ҳолда эришил-
гани ва ушбу талаб ва мей-
ёрлар Ўзбекистон Республи-
каси Конституцияси билан
қафолатлангани ҳақида таъ-
кидлаб ўтди.

(Давоми 3-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁН

Нукус шаҳрида Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси
Сенати Кенгашининг 2008 йил
30 сентябрда қабул қилинган
«Фуқаролар йиғинлари раис-
лари (оксколлари) ва уларнинг
масъулдорлари сайлов тўғри-
сида»ги қарори ижросини таъ-
минлаш масалаларига бағиш-
ланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Қорақалпоғистон
Республикаси Жўрғи Кенге-

си, Вазирлар Кенгаши масъул
ходимлари, шаҳар ва туман
ҳокимларининг ўринбосарлари,
фуқароларнинг ўзини-ўзи бош-
қариш идоралари раҳбарлари
иштирок этди.

Семинарда фуқаролар йи-
гинларига бўлаётган сайлов-
нинг ҳуқуқий асослари, сайлов-
га тайёргарлик ва уни ўтказиш
жараёнида қонун талабларига
қатъий амал қилиш, жойларда

сайловларнинг демократик,
ошкоралик тамойиллари асо-
сида этишини таъминлашда
маҳсус ишчи гуруҳлари ва ко-
миссия аъзоларининг масъу-
лияти хусусида сўз юритилди.
Бу борадаги муҳим вазифа-
лар белгилаб олинди.

Қорақалпоғистон Республи-
касидаги барча фуқаролар йи-
гинларида сайловга қизғин та-
радуд кўрилмақда.

А. ОРТИҚБОВ,
ЎзА мухбири.

Қишлоқ хўжалигида ислохотлар самараси

2008

йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайни-
да мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги
ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиши

4,1

фоизни
ташkil
этди.



Соҳада ислохотлар изчил амалга оширилаётгани, хусусан, ишлаб чиқаришни
ташkil қилиш ва рағбатлантириш, бошқариш принциплари ва тизими сифат
жиҳатдан мутлақо янгица тамойиллар асосида йўлга қўйилгани, қишлоқда бозор
инфратузилмаси амалда янгидан барпо этилиб, фермерларга хизмат кўрсатувчи
субъектларнинг кенг тармоғи яратилгани тўғрисида шундай натижага эришилди.



ЖАҲОН

24 соат ичида

Вертолёт ҳалокати



Франциянинг Линь-ан-Барруа шаҳрида Италия ҳарбий кучларига тегишли бўлган вертолёт ҳалокатга учради.

Бу ҳақда Италиянинг «АРСОМ» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Манбада келтирилишича, фожиа оқибатида вертолёт бортидаги саккиз кишининг ҳаммаси ҳаётдан кўз юмган. Ҳозирча ҳалокат сабаблари тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Қўлга олинди

Болгария божхона ходимлари Туркия билан чегара постида 37,2 килограмм героинни ушлаб қолишга муваффақ бўлишди.

ИИВ вакилининг айтишича, Болгарияга тегишли давлат рақами ўрнатилган энгил машина Туркия ҳудудидан ушбу мамлакатга кириб келаётган экан. Жиноятчилар — икки нафар Болгария фуқароси оғуни 66 та халтачага жойлаб, йўловчи ўрин-

дифи остига яширишган. РИА «Новости» ахборот агентлиги маълумотига кўра, Туркия ва Шарқий Европа давлатларига йўл оладиган гиёҳванд моддаларнинг катта қисми айна Болгария ҳудудидан олиб ўтилади.

Меҳнат шартномасини бекор қилмоқчи

Россиянинг «Дальавиа» авиакомпанияси жорий йилнинг ноябрь ойидан бошлаб 400 нафар учувчисини ва 350 нафар ходимини билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилмоқчи.

Маълумотларга қараганда, компания сентябрь ойида мижозлардан қарздор бўлиб қолган. 19 октябрдан бошлаб эса у белгиланган рейсларини амалга ошира олмапти. «РИА новости» ахборот агентлигининг хабарига кўра, «Дальавиа»да уч мингга яқин ходим фаолият юридади. Уларга деярли уч ойдан буён иш ҳақлари берилмапти.



Айтиб ўтиш жоизки, мазкур авиакомпания асосан юк ташишга ихтисослашган.

Курилма зарарсизлантирилди

«Royal poytaxti Afina шаҳридаги Greco Dutch Shell» нефть компанияси офисидан портловчи курилма топишган.

Маълумотларда келтирилишича, портловчи модда ҳақида полицияга ўзини танитмаган шахс телефон орқали хабар берган. Айтилган пайтда ҳуқуқ-тартибот идоралари мазкур иш юзасидан текшириш ишларини олиб бормоқда. Полиция бомбани портлашига жуда оз фурсат қолганида зарарсизлантиришга муваффақ бўлди, дейилади «Associated Press» ахборотида.

ОПЕК қарори

Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) нефть қазиб олишни кунига 1,5 миллион баррелгача камайтириш тўғрисида қарор қабул қилди.

«AFP» хабарига келтирилишича, бу қарор жорий йилнинг 1 ноябрь санасидан кучга киради. ОПЕКнинг бундай ҳулосага келишига жаҳон бозорида қузатилмаётган молиявий инқироз ва унинг оқибатида «қора олтин» нархининг тушиб кетаётгани сабаб бўлган. Ташкилот бошлиғи Шакиб Хелилнинг сўзларига

қараганда, 2008 йилда нефтьга бўлган талаб 330 миң баррелга ошган ҳолда. Кейинги йилда эса бу кўрсаткич 100 миң баррелни ташкил қилиши тахмин қилинмоқда. Шунингдек, ОПЕК ушбу маҳсулот бир баррели учун энг мақбул нарх — 70-90 АҚШ доллари атрофида эканлигини келтириб ўтган.

Келишиб олишди

Жанубий Корея, Хитой, Япония ва АСЕАН (Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси)нинг ўрта давлати биргаликда фонд ташкил этишга келишиб олишди.

80 миллиард АҚШ доллари миқдорига маблағга эга бўладиган мазкур фонд минтақадаги иқтисодий инқирозга қарши курашади. Келишувга кўра, фонгда 2009 йилнинг июнь ойида асос солинади. Маълумотларда келтирилишича, фонд маблағининг 64 миллиард АҚШ доллари Жанубий Корея, Хитой, Япония давлатлари томонидан киритилса, қолган қисми АСЕАН давлатлари томонидан молиялаштирилади.

Эслатиб ўтамиз, АСЕАН ташкилотига 1967 йилда асос солинган бўлиб, унга Бруней, Вьетнам, Индонезия, Камбоджа, Лаос, Малайзия, Мьянма, Сингапур, Таиланд ҳамда Филиппин давлатлари аъзо саналади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Осиё ҳуқуқий алмашинув маркази директори Масанори Айкё Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қонунчилик ҳужжатларини янги меъёрлар билан тўлдирди, мустақил суд тизимини ташкил этиш ва таксимлаштириш, ўз навбатида, Асосий Қонуннинг барқарорлиги ва ҳаётийлигини таъмин-

Нағоя университетининг ҳуқуқ факультети профессори Каюя Ичиҳаши Ўзбекистонда истиқлолнинг илк кунлариданоқ жамият ҳаётининг барча жаҳаларида босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилади бошланганини таъкидлади. «Тошкент давлат юридик институти билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистонга тез-тез бориб тураман, — деди К. Ичиҳаши.

Бу ноёб ҳужжатнинг қабул қилиниши Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ўзбекистонликлар учун аҳамиятли экани, улар ҳуқуқий давлат қуриш тарафдори эканидан далолат беради. Аминманки, мамлакат Президентининг фармони ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим босқичи бўладиган қонуннинг қабул

ЯПОНИЯДА ДАВРА СУҲБАТИ

лаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилганига эътибор қаратди. Унинг фикрича, Конституция қондаларига асосан, мамлакатда кечаётган ислохотлар даврида Ўзбекистонда «Хабас корпус» институтининг жорий этилиши диккатга сазовор воқеа бўлди. Эксперт Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қарори ҳуқуқий-демократик тизимни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлиб, бу орқали Ўзбекистон ўзининг инсонпарварлик анъаналарига содиқлиги ҳамда миллий қонунчиликни ислох қилишга интилаётганини амалда намойиш этганини таъкидлади.

— Шу боис мамлакатингизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотларга шахсан гувоҳман. Ўзбекистон мустақиллик йилларида нафақат сиёсий-иқтисодий, балки суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам жуда муҳим ислохотларни амалга оширишга муваффақ бўлди. Республика қонунчилигида секин-аста Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг меъёрлари ўз аксини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тadbирлар дастури тўғрисида»ги Фармони эътиборга молик воқеа бўлди.

қилиниши Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг Ўзбекистонда амал қилиши ва ушбу ҳужжат мамлакат халқининг манфаатларига хизмат қилиши учун замин яратди». Давра суҳбатини юқори баҳолаган ҳолда япониялик мутахассислар Нағоя университети билан Тошкент давлат юридик институти ўртасида халқаро тadbирлар ўтказиш яқин анъанага айланиб бораётганини таъкидлади. Билим юрлари ўртасидаги аввалги ўрашувлар ҳам японияликларга Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнининг моҳиятини чуқуროқ англаб етиш имкониятини берган.

Урашув якунида наватдаги Япония-Ўзбекистон давра суҳбатини жорий йил охирида Тошкентда ўтказиш имкониятларини ўрганиб чиқиш юзасидан фирм айланишиди.

«Жаҳон» АА. Токио.

Ўтган йили Шўрчи туманида бажарилган 4 миллиард 403 миллион сўмлик қурилиш ишларининг 94 фоизи хусусий тadbиркорлар ҳиссасига тўғри келди. Бу ютуқда Йўлдош Маматқўзиёв бошлиқ «Хизмат» хусусий фирмасининг улуши, айниқса, салмоқли бўлди.

КИЧИК БИЗНЕС — КАТТА ТАЯНЧ

«Хизмат» бундан 15 йил аввал ишни электр тармоқларини монтаж қилиш, металл панжара, дарвоза, эшик тайёрлаш билан бошлаган эди. Иш ҳажмлари ҳам ўша йиллари ўзига яраша бўлган — беш-олти миллион сўмликдан ошмаган. Фирма топангани тежади. Ишчилар илму малакаларини ошириб боришга ошқинишди. Соцларига қиров тушган Йўлдош ака

Шўрчи туманида Йўлдош акага ўхшаган тadbиркорлар кам эмас. Хусусий тadbиркор Рустам Иноятлов кунига миң донга шифер ишлаб чиқарадиган технологияни ишга солган бўлса, «Агрофрут» масъулияти чекланган жамияти (раҳбари Хуррам Тоғаев) мева-сабзавотни қуриштириш, фақат экспорт мақсулоти этиштириш, юзлаб иш ўринларини яратиш ҳаракатида. «Темур Малик» корхонаси терини қайта ишлаб, сифатли чарм ашё, кийим-кечакларни ишлаб чиқариш йўлида илмунларини давом этказаётган бўлса, яна бир хусусий тadbиркор мебель, пойабзал ҳаётларини фабрика мақомига кўтариш таъбири билан банд.

— Кичик бизнес субъектларимиз 1775 та, — дейди туман статистика бўлими бошлиғи Мелибой Сатторов. — Шулардан 1604 таси фаолият кўрсатмоқда. Тadbиркорларимиз ўзлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, уни кенгайтириш мақсадида ҳар қандай сармояларни жалб этишга кўпроқ қизиқяётгани, уларнинг банклар билан ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бораётгани ибратлидир. Натияжада санот мақсулотлари ва халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришда хусусий секторнинг улуши ошиб бораёпти. Зеро, кичик бизнес иқтисодий-темизмизнинг том маъносида таянчига айланаяпти.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қорақалпоғистон томонларда

Иқтидорли ёшлар кўриги

Нукусда иқтидорли ёшлар кўриги — «Янги авлод-2008» республика болалар ижодиёти фестивалининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Унда олтига йўналиш бўйича 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 600 га яқин ёшлар иштирок этди.

Тadbирда, унинг ташкилотчилари: «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Нукус шаҳар кенгаши, Нукус шаҳар халқ таълими бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ҳолибларга қўлматбаҳо совғалар топширилди.

Ватанга хизмат қилиш бахти

Қорақалпоғистон Республикаси Мудофаа ишлари бўйича бошқармаси қаҳарурув пунктда синовлардан муваффақиятли ўтиб, Ватан олдидаги йилгити бурчинга ўташга шайланган бир гуруҳ ёшларни хизматга қўзатиш маросими бўлиб ўтди.

— Ватанимга хизмат қилишга кетаётганимдан фахрланаман, — дейди Кеғейли туманидан ҳарбий хизматга қаҳарилган Х. Шуренбоев. — Аскар бўлиб, эл-юрт тинчлигини муҳофаза қилиш йилгити учун муқаддас бурчдир.

Маросимда сўзга чиққанлар Юртбошимиз ташаббуси билан Қуролли Кучларимиз замон талабларига мос ислох қилинган, ихчам, кучли тайёргарликка эга бўлган профессионал армия шакллантирилгани, натияжада ҳарбий хизмат юртимиздаги ҳар бир йилгити учун шарафли бурчга айланганини таъкидлаб ўтишди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

УЯЛИ АЛОҚА БОЗОРИ КЕНГАЙМОҚДА

Жорий йилда мамлакатимиздаги уяли алоқа бозори даромадлари 800 миллион АҚШ долларидан ошиб кетиши мумкин.

Тўққиз ой мобайнида иккита йирик оператор 473 миллион АҚШ доллари миқдорига даромад олди. «Avesta Research» таҳлил маркази маълумотларига қараганда, 2008 йилнинг учинчи чорағи юртимиз мобил алоқа операторлари учун энг муваффақиятли давр бўлди. Улар тахминан бу вақт

мобайнида 1,95 миллион нафар мижозни жалб эта олди.

Эслатиб ўтамиз, жорий йил 1 октябр ҳолатига кўра, мамлакатимизда уяли алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 10,88 миллион нафарни ташкил этди.

Ю. БҲОМОВ.

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Пойтахтимизда бўлиб ўтадиган Республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасида Самарқанд вилоятининг ўндан зиёд саноат корхоналари ўз маҳсулотлари билан қатнашади.

«Мактаб жиҳоз», «Маориф мебель», «Отабек» каби масъулияти чекланган жамиятлар спорт жиҳозлари ва ўқув мебелларини, «Стеклопластик» МЧЖ автобуслар учун бампер, торпедо ва бошқа эҳтиёт қисмларни, «Цвета востока» корхонаси эса турли бўёқларни харидорларга тақдир этиди.

Ярмаркада иштирок этувчи корхоналар орасида Самарқанд шаҳридаги «Alj-Samarqand» концерни ҳам бор. Унинг таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотлари, жумладан, ўн турдаги гишт, беш турдаги полиэтилен қувурлар, полимер черепицаларга талаб ортиб бор-

моқда. Концерн тизимида автотранспорт воситаларига кўрсатилаётган техник хизмат ҳам мижозларга манзур бўлмоқда.


— Ярмарка тadbиркорлар фаолиятида катта ўрин тутаяди, — дейди концерн раҳбари ўринбосари Науфал Бозоров. — Биз ўтган йил ҳам ушбу тadbирда иштирок этиб, қатор ўзаро манфаатли келишувларга эришган, янги ҳамкорлар топиб, таъриба алмашган эдик. Бу йил ҳам яр-

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИККАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобикли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика Телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линияларини муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан «Телекоммуникация линиялари ва ишшоотларини қўриқлаш қондалари» қабул қилинган ва тасдиқланган. Унда барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ҳамда жисмоний шахслар томонидан ушбу қондаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст етказмасликларни шартлиги кўрсатиб ўтилган.



Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар етказаяди, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташлар юз беришига олиб келади. Эсда тутинг! Алоқа линияларини шикастлантирган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайдилар. Қандайдир ер қазини ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчилик билан аниқлашга уринманг, бунинг фақат бизнинг вакилимиз алоқа оширади. Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линияларини ўтган жойлар ҳақида тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисида кўрсатилган.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

Table with columns for location, phone numbers, and cable types. Includes entries for 'Шаҳарлараро алоқа корхонаси' филиали, '1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили', '2-ШМАТБ манзили', '3-ШМАТБ манзили', '4-ШМАТБ манзили', '5-ШМАТБ манзили', '6-ШМАТБ манзили', '7-ШМАТБ манзили', '8-ШМАТБ манзили', '9-ШМАТБ манзили', '10-ШМАТБ манзили'.

Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш,

- жумладан: рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва ишшоотлар тиклаш; кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш; кабель магистраль алоқа линияларини ўтган жойларни кўрсатувчи оғоҳлантириш устуларини ва белгиларини ўзбошимчилик билан қўчириш, синдириш, қўмиб юбориш; турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлаш ишларини олиб бориш; кабель магистраль алоқа линияларини муҳофаза зонасидан қудуқлар қазини, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш; турли хил қичқиндилар ташлаш, кесилса, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш; магистраль линияларини ўтган ерда гулханлар ёқил ТAҚИҚЛAНАДИ!

ХУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ! АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛAНИШИГА ЙЎЛ ҚУЙМАНГ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали



марка ва биржадан умидимиз катта. Қурилиш мақсулотларимизни намойиш этиш билан бирга цемент, полиэтилен гранулалар харид қилиш бўйича ҳам шартномалар тузмоқчимиз. Ҳ. ҲАСАНОВ, Ў.А. мухбири.

Table with information about various institutions and their contact details. Includes 'Тошкент кимё-технология институти', 'Тошкент архитектура-қурилиш институти', 'Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети', 'Ўрта Чирчиқ ГЭСлар Каскади'.



ЭНГ ГУЛЛАГАН

ЧОҒИМДА

Истиқлол йилларида ёшларга эътибор ва ғамхўрлик мамлакатимизда устувор масалага айланганлигини ҳар биримиз чуқур англаб, кўриб, билиб турибмиз. Бундай эътибор ёшлар йилида беқибс аҳамият касб этмоқда. Аслида, ёшларнинг камоли, уларнинг жамиятимиздаги барча соҳаларда асосий ўрин эгаллашлари ҳам Президентимизнинг келажакка ва унинг эгаларига ишончи тўғрисида. Илло, 25 ёшда жаҳон шахмат тожини кўлга киритган Рустам Қосимжонов, хали 20 ёшга тўлмаёқ

ИЛМ — тараққиёт гарови

Янгилик яратишга иштиёқим баланд. Шу мақсадда ошқорон ва ўн икки бармоқли ичак ярасига сабаб бўлувчи "Helicobacter pylori" номли бактериянинг хусусиятларини ўрганишга киришдим. Бактериянинг келиб чиқиши, кўпайиши ва тарқалишига сабаб бўлувчи омилларни аниқлашга эришсак, унга қарши кураш чорасини ҳам топиш мумкин. Устозларим бу ҳаракатларимни қўллаб-қувватлаб, менинг хорижда малака оширишим, амалиёт ўташимни таъминламоқда. Утган йили август ойида университет тасвиси билан махсус танловда қатнашиб, ундан муваффақиятли ўтдим ва Варшава университетидега ўн ҳафта амалиёт ўтаб қайтдим. У ерда университет олимлари, ўқитувчилари билан яқиндан танишдим. Илмий ишларишимга хайрихоҳ бўлган хорижлик ўқитувчилар ва тендошларим билан доимий ҳамкорлик қилишга келишиб олдик. Бугун эркинликдан баҳраманд, ғамхўрлик ва ишончга муносиб, тинч-осойишта юрtdа яшаётган бир фарзанд сифатида нақадар бахтиёр эканлигини баралла айтгим келади. Ёшлигим, умримнинг энг бебаҳо ва бетакор онларида меҳр ва эътибордан баҳраманд ҳолда ўқиб-илланаётганим, Ўртобшомимизнинг юксак ишончига муносиб бўлганлигим чинакам маънода бахтимдир.

Ишонччи оқламоқ — шараф

Юртобшомимизнинг биз, ёшларга бу қадар юксак ишонч билдиришлари ҳар биримизни руҳлантдириб юборди. Зеро, мамлакатимиз раҳбарининг ғамхўрликлари тўғрисида мустахкам билим олиш, илмий фаолият билан шуғулланиш, эришган ютуқларимиз билан юртимиз довуруғини жаҳонга танитиш имконига эгаимиз. Биргина университетимизнинг ўзида амалга оширилган эзгу ишларни олайлик. Замонавий, кўркам турар-жойларимизда спорт билан шуғулланиш, ўз устимизда ишлаш, компьютер ва интернетдан фойдаланиш ун беқибс имкониятлар яратилган. Университетимизнинг ўн миллиондан зиёд китоб захирасига эга ахборот-ресурс марказида замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқот олиб боришимиз мумкин. Хорижий давлатларнинг етакчи ўқув масканлари билан кен қўллаш ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганлиги боис, чет элдаги нуфузли таълим даргоҳларида ўқиниш давом эттириш, илмий салоҳиятимизни оширишга муваффақ бўлаётган талабалар ораимизда кўпчиликти ташкил этади. Кўн ва билимини ишга солиш учун имконият ва шарт-шароит етарли экан, демак, иқтидоримизни юрт равиқи йўлида сафарбар этишимиз ҳам керак. Шунинг унутмаслигимиз даржорки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кен қўллаш ишохотлар, эзгу сазй-ҳаракатлар, юртимиз тараққиёти ва ривожига биз, ёшларнинг муносиб хиссамиз бўлсанина, Ватан олдидаги фарзандлик бурчимизни оқлаган бўламиз!

Дилшод АБДУАЗИЗОВ,
УЗМУ иқтисодийт
факультети магистранти.



Темур ҚУРБОНОВ сурат-лавҳаси.

Андишадан қўймасин...

Яқинда хусусий телеканаллардан бирида Дилмур осми хонанданинг кўшигини тингладим. Кўшиқда қалби муҳаббатга ошно йигитнинг бегубор хислари тараннум этилган. Кўшиқ видеоклипи гарбона "хатти-ҳаракат"лардан мустақнолиги, ҳаё ва нафосатга йўғрилганлиги билан эътиборни тортади.

Рости, анчадан бери мана шундай дилбар хонанинг солинган эканлими, кўшиқ меида хуш таассурот қолдирди. Гап шундаки, бугун эстрада санъатимизда ўзбекиона ахлоқ-одоб фазилатлари тараннум этилувчи бундай кўй-қўшиқлар анчайин тақчил. Айрим "юлдуз"ларимиз гарбона "одат"ларга кўр-кўрона тақдир қилаётганликларини тушуниш қийин. Минглаб муҳлислар қаршисига чиқиб олиб, беҳаёларча кўз сузиш, ярим-ялангон кийинишлару хобҳода илондек тўғонлишлардан уялмаётганлари афсусланарли хол. Масалан, Жўрабек осми кўшиқчи йигитни олайлик. Бу хонанда ўз клипларида ўзини ҳар кўйга солиб, "ғалати" хатти-ҳаракатлар қилувчи "нозанин"ларни олиб чиқушни одат қилган. Шуниси аниқки, кўшиқчи йигит репертуаридаги "Вай-вай", "Эслаб-эслаб" сингари кўшиқлар оида даврасида, ота-онангиз билан бирга ўтирганлигиде эфирда намойиш этилгудек бўлса, уятдан бош кўтаролмай қоласиз. Уғалардан нуса кўчириш ўрнига ўзимизнинг миллий услубда, табиятимизга хос кўшиқ ва клиплар яратишса, бўлмайдими?!

Аслида, ёш ижрочиларимизнинг хориж хонандаларига тақдир қилишларига ҳожат йўқ. Зеро, юртимизда Эмомилсон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов сингари улғ санъаткорлар яратиб кетган кўшиқчилик мактаби бор. Ана шу устозларнинг муносиб давомчилари ҳам кўп. Махмуд Намозов, Озодбек Назарбеков, Огабек Собиоров, Хосила Раҳимова, Шарофиддин Муродов сингари санъаткорлар шулар жумласидан. Улар миллий услубда кўйлашади, айниқса, овоз имкониятлари ва кўшиқ чўн шеър танаъш борасидаги диллари баланд. Шу боис ижроларида сохатлик кўзга ташланмайди. Бу эса ўз ўрнида ахлоқий қадриятлар руҳида камол топиши лозим бўлган ёшлар учун айни мудоао. Зотан, Беруний боёмиз ёши қолдирганидек, кўй-қўшиқ ҳам тарбиянинг асосий воситаси саналади.

Хуршид ҲАМЗАЕВ.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Шош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 956. 25961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Дутор сеҳри

Яқинда Москва шаҳрида ўтказилган болалар ва ўсмирлар ижодиёти IX халқаро фестивалида қатнашдим. Икки мингдан зиёд томошабин, муҳташам саҳна, юртимиз байроғи ёнида туриб соз чалиш мен учун осон бўлмади. Бирок, бор маҳоратимни ишга солишим шарт, деган аҳд куч берди. Шу кўни миллий санъатимиз сеҳрини, унинг бор жозибасини намойён этиб, муҳлислар олқишини олишга, ватанимга ёруғ оз билан қайтишга мўяссар бўлдим.

Москва фестивалида бас-такор Ойдин Абдуллаева ижодига мансуб "Дутор ифори" кўйини чалганимда кўпчилик кўйимдаги сознинг сир-асрорлари билан кўзика бошлади. Ҳакамлар хайъати аъзолари, мутахассислар ва фестиваль иштирокчилари қандай қилиб, ҳеч бир мосламасиз сен чалган кўй шу қадар кучли жан-ранг сонапти, дея хайратланишарди. Мен эса уларга ота-боболаримиздан мерос санъатимиз қудрати, миллиятимизнинг мусиқа ва кўй-навога муҳабати хусусида тўлқинланиб ҳижоа қилдим.

Утган йили ҳаётимда ўчмас из қолдирган ажайиб воқеа юз берди. Маданият, санъат ва мусиқа коллежлари ҳамда академик лицейлар ёш ижрочиларининг республика танловига қатнашиб, 1-даражали диплом сохибаси бўлдим. Мазкур беллашуде голиб, деб топилганим боис, Ўзбекистон давлат консерваториясига имтиёзли асосда ўқишга қабул қилиндим. Янги ўқув йилидан Консерваториянинг "Шарқ мусиқаси" йўналишида таълим олишни бошладим. Бу ерда таниқли устозлар, маҳоратли санъаткорлар кўмагида кўй-қўшиқ сирларини ўрганиб, етук истевдодли созанда бўлишни мақсад қилганман. Бундан ташқари, "Миллий чолғучилик санъати" мавзусидаги илмий тадқиқотимни ҳам давом эттириш ниятим бор.

Юлдуз ЗИНАТОВА,
Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси.

ОРЗУИМИЗ ИЖОБАТ БЎЛДИ

Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори айни мудоао бўлди. Шу боис орзумим ушалди.

Мазкур ҳужжат асосида имконият ва имтиёзлардан фойдаланиш учун "Ипотекбанк"ка мурожаат қилгандим. Мутахассислар менга ёш оилаларга уй-жой қуриш, таъмирлаш ва харид қилиш учун ажратиладиган 14 фоизли ипотека кредити хар томонлама афзаллигини ўқтиришди. Кредит ўн беш йил муддатга берилади. Дастлабки ун йил имтиёзли, яъни фақат устама фоиз тўланадиган давр ҳисобланиб, кредитни узиш учун топшириладиган маблағи даромад солиғи солинамас экан. Шундан сўн банкдан 27 миллион сўм кредит олдим. Ушбу маблағ эвазига яқинда барча қўлайликларга эга бўлган тўрт хонали янги уйга кўчиб ўтдик.

Ёш оилаларга улуссиз ғамхўрлик кўрсатилаётгани тўғрисида бугун биз тўла-тўқис бахтли ҳаёт кечирмоқдамиз. Истасак, тадбиркорлик билан шуғулланишимиз, уй-жойли бўлишимиз, узоқ вақт рўзгоримиз бутлигига хизмат қиладиган кўмакмабохо бўюмлар сотиб олишимиз мумкин. Бундай катта имкониятлар фақат бизнинг юрtdагина мавжуд.

Шамшод ШАРИПОВ.
Кўйрб тумани.

Ёш келса — ишга...

Кишини инсонларварилкака ундовчи қўллаб мақоллар орасида ушбу хизмат ёшларни ўзидан катталарга хурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, ҳеч бир ерда меҳнатдан қочмасликдек яхши бир одатни ифода этади. Азалий бу одатга кўра, агар кимнингдир хонандона кутилмаганда бирор сабаб билан ёши улғ киши келиб қолса, дарҳол уни энг яхши деб билинган жойларига (ёзда ося-салқинга, қишда иссиқ жойга) ўтказадилар-да, хол-аҳвол сўраб, дастурхон ёзиб, ош-нон ва ноз-неъматлар билан меҳмон қиладилар. Агар бирор иш қилиб турган бўлсалар-у, ёш қариқдош-урулардан, дўст-биродарлардан, кўни-қўшиқлардан бирортаси ёки бир неча киши бирор сабаб билан келиб қолса, олдин уни ишга солиб, кейин меҳмон қиладилар. Таомилга кўра, бу айб саналмайди, келиб ишга тушиб кетган йигит-қизлар бунини кўнгилларига ҳам олмайдилар. Қайтага улар келган заҳотлари бирор иш қилинаётганлигини кўриб қолсалар, уй эгаси кўмаклашиб юборишни сўрамаса ҳам ишга тушиб кетадилар.

Одобнома

Нотаниш талаффузда бийрон сўзлашсин, бегона тилини ўзлаштириш ўқувчи учун осон кечмайди. Ҳўш, бу ўринда педагог қандай йўл тутуши лозим? Шаҳсан ўзим ёшларни дарсга қизиқтириш мақсадида "Ўқувчиларнинг оғзаки нутқ амалиёти" бажараётган пайтдаги хатолчиликларни тузатиш усуллари" мавзусидаги янги педагогик услубни амалиётга татбиқ этдим. Унга кўра, ўқувчи дарсининг "ўз хатоини тузатаман", "дўстимнинг хатоси ҳақида фикрим" деб номланган қисмларида йўл қўйилган камчиликлар борасида чуқурроқ мушоаада юритиб, фани янда мукамилроқ ўзлаштиришга ҳаракат қиладим.

Ўзимиз шундай жўр замонамроқ ўзлаштиришга ҳаракат қиладим. Энди куч ва ғайратимизни келажак фаровонлиги йўлида сафарбар этмоғимиз, зуқко ва билимдон ёшларни камол топтиришга ҳисса қўшмоғимиз лозим.

Носиржон ДАВЛАТОВ,
Қува туманидаги 49- мактаб ўқитувчиси,
"Йилнинг энг яхши фа ўқитувчиси — 2008" танлови голиби.

Ифтихор

2004-2007 йилларда мактаб ўқувчилари Халқаро фан олимпиадаларида жами 27 та медални кўлга киритдилар. Жумладан, 2005 йилда 6 та бронза, 2006 йилда 2 та кумуш, 4 та бронза медали билан тақдирланган бўлсалар, утган йили 3 та кумуш, 3 та бронза медалларини олишга муваффақ бўлдилар. Жорий йилнинг 28 апрель-4 май кунлари кимё фанидан 42-Халқаро Менделеев олимпиадасида 13 нафар хамюртимиз юқори ўринларини эгалладим. 2008 йил 14-20 июль кунлари Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўтказилган 49-Халқаро математика олимпиадасида 6 нафар вақилимиз беллашуанинг юксак поғоналарини эгалладим.

Манзилимиз

100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оршов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонхонов.
Навбатчи — З. Жонбеков.
Мусасхас — Ш. Манраббоев.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.40 Топширилди — 23.50